


Қиёматнинг маҳкамаси қонунларидан



14:30 / 04.11.2021 2536

1. (У Кунда, у ерда) махфийлиги бўлмаган делолар, ошкор этиш тақиқланган ҳужжатлар бўлмайди («ўта махфий», «конфеденциал», деган муҳрларсиз): «...ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, унга очилган ҳолда рўбарў бўлур». (*Исро сураси, 13-оят*).
2. Кучайтирилган қўриқчилар кузатуви остида келтирилиш: «Ва ҳар бир жон ҳайдагувчи ва гувоҳлик берувчи билан келди». (*Қоф сураси, 21-оят*).
3. Зулм, ноҳақлик имконсиз: «...ва Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасман». (*Қоф сураси, 29-оят*).
4. Бу ерда сизни ҳимояловчи адвокат, ҳимоячи бўлмайди: «Китобингни ўқи, бугунги кунда сен ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан (дейилур)». (*Исро сураси, 14-оят*).
5. Пора бериш, ўртага воситачи қўйиш имконсиз: «У кунда на мол манфаат берар ва на болалар». (*Шуаро сураси, 88-оят*).
6. Бошқаларнинг ўхшаш исми шарифлари билан адашиб кетилмайди: «Роббинг унутгувчи бўлмаган». (*Марям сураси, 64-оят*).
7. Кўрсатмани қўл билан ҳамда нутқ ила қабул қилиб олинади: «Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у, мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар... Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим,

дейдир». (Ал- Ҳааққаҳ сураси, 19-20-оятлар).

8. Ғоибона, йўқ шахсга ҳукм қилинмайди: «Албатта, барчалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилингайлар» (Йасин сураси, 32-оят).

9. Ҳукм устидан кассация ёки апелляция тартибидаги шикоятлар бўлмайди, яъни ҳукм ўзгартирилмайди: «Менинг ҳузуримда гап ўзгармас...», деди». (Қоф сураси, 29- оят).

10. Ёлғон гувоҳлик, «шаҳадатуз зуур» бўлмайди: «Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз. Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур». (Йасин сураси, 65-оят).

11. Унутиб қолдирилган иш ҳужжатлари, файллар бўлмайди: «Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар. Ҳолбуки Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир». (Мужодала сураси, 6-оят).

12. Амалларга ўта дақиқ, тўғри тарозулар белгиланган: «Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирурмиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз». (Анбиё сураси, 47-оят).

Манба: arabic.uz